



Ўзбекистон

Газетага 1918 йил 21 июлда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 9 февраль, сешанба

№ 27. (21.381).

ОВОЗИ

Бугун—Алишер НАВОЙИ таваллуди кунни



ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Шеъримиз бобокалон Алишер Навоий ўз ижоди орқали келгуси авлодларга шундай буюк мерос қолдирди, у аерлар ўтган сарй жаҳонни лол қолдириб келмоқда.

Ғазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг шоирларнинг шоири, яъни пири деб бежиз айтмайдилар.

Унинг ўлмас мисралари ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олган, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолган.

Даҳо шоир асарларини қайта-қайта ўқиймиз, ўқиган сайин унинг сўз қудратига, теран нигоҳига, ўз халқининг асл куйчиси эканлигига дил-дилдан тасаннолар айтаемиз.

Чунки унда ўзи яшаган давр сийласиния, манзараларини аниқ-тиниқ кўраемиз. Унинг энг кичик шеърларидан тортиб эник дostonларигача мантқий иллар боғлаиб кетганлигини ҳис этаемиз.

Биз Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд топан шу кутлур кунда яна шоирнинг ўзига мурожаат қилишни маъқул топдик. Зеро, унинг ижоди улкан бир уммон бўлиб, ҳар қатраси биз учун катта маънавий хазинадир.

(Иккинчи бетга қараи).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларнинг истеъодларини намойиш этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фахрларини шакллантиришга муҳим аҳамият бери-

1. Охириги йил ўқийдиган талабалар ва аспирантлар— бутун ўқийш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчи фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилсин.

Бу стипендиялар сови куйидагича белгилансин: талабалар учун ҳар бир талабанинг ўртача стипендияси миқдоридан уш қарра кўп бўлган 10 та; аспирантлар учун — ҳар бир аспирант стипендияси миқдоридан икки қарра кўп бўлган 5 та.

2. Улгуриши аъло даражада бўлган, ижодий ишда катнашадиган учинчи ва ундан юқори кўрсаткичдаги талабалар учун куйидаги давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника факультетлари учун — Беруни номида, тиббиёт факультетлари учун — Ибн Сино номида, гуманитар факультетлари учун — Навоий номида, табиий факультетлари учун — Улуғбек номида.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий аттестация комиссияси 20 кун муддат ичида талабаларга давлат стипендияларини бериш тўғрисидаги

низом ва тартибни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат стипендияларини олувчи талабаларга тегишли кўрақ нишонлари ва гувоҳномалар берилди. Улар олий ўқув юртини таъмолаганларидан кейин кириш имтиҳонларисиз аспирантурага қабул қилинадилар ҳамда ёш мутахассислар қатори малака ошириш ва ўқишни давом эттириш учун чет элларга юбориш чоғида устуликка эга бўладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси: — мактаб ёшлари ўрта-сида вақти-вақти билан турли республика мусобақаларини ўтказсинлар, ёшларнинг халқаро мусобақаларда фаол иштирок этишларига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар.

— 20 кунлик муддат ичида мактаб ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, кўпкўрсаткич ва мусобақаларини ўтказишнинг нишом ва тартибни ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этилсинлар.

6. Олимпиадалар, кўпкўрсаткич ва мусобақаларнинг голдбларига куйидаги пул мукофотлари: — I—V ўринларни олган голдбларга талаба стипендияси миқдорининг ўн қаррадан олти қаррагача кўп бўлган халқаро мукофотлари: — I—II—III ўринларни олган голдбларга талаба стипендияси миқдорининг бўйича

пендиансининг уч-икки-бир қарра кўп бўлган республика мукофотлари белгилансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, халқаро ва республика мусобақаларининг голдбларига бўлган битирувчи синфларнинг ўқувчилари олий ўқув юртининг биринчи курсларига кириш имтиҳонларисиз, тест синовидан ўтказилмай қабул қилинадилар ва хоржий мамлакатларнинг ўқув юртига юбориладиган гуруҳларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилдан бошлаб ҳар йили ана шу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратишни кўзда тутисин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртилари бўлган вазирликлар ва идоралар: — 1993 йилнинг I мартидан ушбу Фармонда қайд этилмаган давлат стипендияларини бекор қилинлар; — уларга белгиланган стипендия жамағатисини доирасида олий ўқув юртиларининг тақдимиолалига кўра ва Вазирлар маҳкамаси билан келишиб, Ўзбекистоннинг олий ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшишга атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига бир ярим баробар ҳажмли махсус стипендиялар таъсис этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 20 кунлик муддат ичида ушбу Фармонни рўйбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. ХОЛМИРЗАЕВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ, Қаноат Холмирзаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан ва аризагина биноан Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. Ғ. ОБИДОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ, Қобилжон Ғабдулович Обидов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 6 февраль.



Суратда: Мусажон Шербўтаев (ўртада) Фарғона вилоятининг бир гуруҳ қишлоқ хўжалиғи ходимлари даррасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БОШ ОМОН БЎЛСА...

Мусажон Шербўтаевни кўргангиз, ҳар қандай одам да дафъатан Фарғона деҳқонининг ёрқин вақилига дуч келгандэй бўласиз. Фарштал юзлари Қува аноридан ранг олгандай қиң-қизил, бошларига ўзларига ярашиб турган марғилон дўппи.

Эҳ-ҳе, шу дўппи остидан бош не куллари кўрилади дейсиз. Ҳалол, фидокорона меҳнат учун хўжат-хўтжордан ноҳақ таъна-дашномларгача. Мусажон ака ҳаммасини кўтари: иззат-қиромдан ҳовлиқиб кетмади. 80-йиллар қатғонининг аччиқ изғиринидан тушқуликка берилмади.

Зотан, унинг йўқотадиган нарсаси йўқ эди. Аксинча яхши-ёмон кунларда М. Шербўтаевга ҳамнафас бўлган халқ бор эди. Халқ эса ҳаммасини кўриб тургани. Бу кишини маъсул лавозимларга ойна-оғайинлар, таниш-билишлар кўтармаганига, пешона тери манъалияни яриратганига гувоҳ эди. Бугун кунда Мусажон Шербўтаев меҳнат таърибисига эга оқсоқолдан бутун нишонлаб, эл-юртга ҳисоб бермоқда. Табиийки, шундай шодмон дамларда

нафақат мухбирлар, ҳар қандай одам ҳам «Ким бўлиб иш бошлагансиз?», деган саволни беради. Мусажон ака ўзгача шукҳ ва ифтихор билан «Кетмончиликдан бошлаганман!» дейди баралла.

Ҳа, у кейинчалик табелчи, бригадир, комсомол фаоли бўлганида ҳам кетмончиликдан чиққандан гуруҳлариди. Юртимизнинг муътабар кишилари назарига тушиб, Қува район партия комитетининг биринчи котиби лавозимига кўтарилганда ҳам, СССР Олий Совети депутати сифатида Кремль эшигининг қоққаларини тутганида ҳам қадрдон кетмончини, ортда турган минглаб кетмончиларини унутмади. Худди ана шу садқоқати учун бугунги кунда ҳам уша халқ ўз ўғлонини иссиқ бағрида тутиб келайтир. Мусажон Шербўтаев нафақат Қувадаги «Гулiston» жамоа хўжалиғи бошқарувининг, айни пайтда вилоят деҳқонлар иттифоқининг ҳам раисидир. Бой ҳаётини ва ишлаб чиқариш таърибисига эга оқсоқолдан бутун Фарғона маслаҳат сурайди. Фақат бугина эмас, мамлакат минбарларида ҳам

Мусажон аканинг ўз ўрни, овози бор. Келинг, қахрамонимизни мақташга берилмайлик-да, шу кеча-кундузда «Гулiston» жамоа хўжалиғида амалга оширилаётган баъзи ишлар ҳақида гапирайлик. Колхоз, айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти талабларига тайёр. Хўжалиқнинг деҳқон ва чорвадорлари, боғ-бан ва соҳибдорлари ўзлари етиштирган ноз-неъматини сотиш ёки бирор нарса олиш учун узоққа бориб юришмайди: «Гулiston»нинг ўз бозори бор. Айни пайтда чигитдан ёғ олиш учун замонавий завод қурилмоқда. Барча қўлайликларга эга ҳаммом, маший хизмат уйи, аввало, колхозчилар ихтиёрида. Янаша турган боғлар, қулиғ ўрғилсин иморатлар — ҳамма-ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шарофатли Фармонлари руҳига мос. Хўжалиқдаги савоби, эзгу ишларнинг теласида табиан деҳқон инсон — Мусажон Шербўтаев турибди.

«Ўзбекистон овози» жамоаси қадрдон биродарига шу кутлур кунда «Бошимиз ҳақиқат омон бўлсин!» дейди.

Эртага Тошкентда халқаро ярмарка очилади

10 февраль кунни мамлакатимиз пойтахтида мевасабзот ва қайта ирилган махсулотлар сотиш бўйича аълоналик халқаро ярмарка очилади.

Ушбу ярмарка иштирокчилари ўтказиладиган мақсад нимча? Мухбиримиз шу савол билан «Узменсабзот» концерни раиси, ярмаркани ўтказиш қўмитаси раҳбари А. Х. ТОШКЕНБОВГА мурожаат қилди.

«Хабарингиз бўлса, ўрта йил ҳам шундай ярмарка ўтказилган. Шубҳасиз, унинг самараси катта бўлди. Уша пайтда у ёки бу миятақчага махсулот етказиш бўйича ўйлаб, юзлаб шартномалар тузилганди. Бу ярмарка натижаларидан ҳам умидимиз

катта. Зеро, унга собиқ Иттифоқ барча минтақаларидан шериклар таклиф этилган. 1993 йилда республикамиздан ташқарига 930 минг тонна мевасабзот махсулотлари сотилиши мўълавланган. Бу етиштирилган умумий махсулотнинг учдан бир қисми, холос. Албатта, асосий истетомлик республикамиз аҳолиси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтти жоиз: Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин иқтисодий сиебатни мустақил олиб боришти. Айни пайтда экин хўжалик алоқалари ҳам унганли йўқ. Бунинг устига республика ҳукумати Марказий Осей давлатлари, шунингдек, бошқа хоржий мамлакатлар билан иқтисод

БУГУНГИ СОНДА:

- 1-БЕТ:
 - Навоий даҳосига таъзим
 - Фарғона деҳқонларининг сардори
- 2-БЕТ:
 - Жиноятчиликка қарши кескин кураш давом этмоқда
- 3-БЕТ:
 - Хосият Бобомуродова: «Мароқанд йўлида гул кўрдим»
- 4-БЕТ:
 - «Темур тузуқлари» (давоми)
 - Бир сурат тарихи
 - Чавандозлар бордир бу элда...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ҚУРИЛИШ КОРПОРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳрини комплекс равишда барпо этиш, қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини ошириш, шунингдек уларнинг бозор шароитларида ишлашга ўтишлари учун зарур иқтисодий замин ҳозирлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги қурилиш бўйича бош қармаси («Тошкентбўқурилиш») тугатилсин.

«Тошкентбўқурилиш» тизимиданги бирлашмалар, трестлар, ташкилотлар ва корхоналарнинг Тошкент давлат-акционерлик қурилиш корпорациясини («Тошкентқурилиш») ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

— бинокорлик санаятининг қурилиш, санаят корхоналарини, тугатилган «Тошкентбўқурилиш» и н г иқтисослаштирилган ташкилотлари ҳамда бошқа бўлималарини акционерлик принциплари асосида ихтиёрий равишда бирлаштирилади;

— юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини амалдаги қонунлар ва корпорациянинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган устав асосида амалга оширади;

3. Куйидагилар Тошкент давлат-акционерлик қурилиш корпорациясини фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: — давлат тошприқларига мувофиқ ҳамда бюртмачилар билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича

уй-жойлар, социал-маданый ва ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш ва фойдаланишга топшириш; — бинокорлик материаллари, конструкциялари ҳамда бошқа санаят махсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, корхоналар, ташкилотларга ҳамда аҳолига таъмирлаш-қурилиш хизматлари ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш;

— кооперация ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустақамлашда корпорацияга қатнашчиларига кўмаклашиш, уларга тижорат, маркетинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш; — моддий-техника ресурслари бозорини ўрганити, улар билан марказлаштирилган тарзда таъминлашни ташкил қилиш, уларнинг моддий ишлаб чиқариш базаси-

ни кенгайтириш ва мустақамлаш; — ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ва ишларнинг сифатини ошириш, уларнинг харажати кўпайтиришни таъминлайдиган лойиҳа-технология ҳамда илмий-техникавий ишланмалар ва инновация дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Тошкент давлат-акционерлик қурилиш корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини оид қарор қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 8 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Гўшт ва қанд-шакернинг чекланган чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1993 йил 8 февралдан бошлаб аҳолига белгилаб қўйилган миқдорда сотиладиган, шунингдек, корхона ва ташкилотлардаги, ўқув юртилардаги, мактаблардаги ошоналар ва бюджетлари таъминлаш учун берилмаган махсус махсулотларнинг янги чекланган чакана нархлари: қанд-шакернинг бир килограмми учун 100 сўм ва биринчи тоифаданги биринчи нағ гуштининг ҳамма турлари (парранда гўшtidан ташқари) бир килограмми учун 150 сўм қилиб белгиланди.

Маълумки, республикада қанд-шакер ишлаб чиқариш-майди, бинобарин аҳолини ушбу муҳим махсулот билан таъминлаш учун ҳукумат МДХ мамлакатларидан сўмга ва хоржий мамлакатлардан валютага қанд-шакер сотиб олишга катта миқдорда пул ажратмоқда.

Қанд-шакерни республикага Украина ҳар килограммининг 190-200 сўмдан етказиб бермоқда. Жаҳон бозоридан бир килограмм қанд-шакер қийма-

ти долларни амалдаги кадр бўйича сўмга айланттириб ҳисоблаганда ҳам 200 сўмга яқинлашади.

Республикага гўшт етказиб беришда ҳам худди шундай ваэиат вужудга келмоқда. Давлат ресурслари республикамиз билан таъминланган махсулот билан таъминланган 50 фоз таъминланмоқда, қолган 50 фозини МДХ мамлакатларидан сўмга, хоржийдан — валютага сотиб олиш керак бўлади.

Қозғонистондан етказиб берилмаган гўшт йўл харажатлари билан бирга республикага ҳар килограмми 535 сўмга, чет элдан келтирилмаган гўшт эса (долларни сўмга айланттириб ҳисоблаганда) ўртача 575 сўмга тушмоқда.

Бу далиллар янги чекланган чакана нархлар гўшт етказиб беришнинг амалдаги қийматидан 3,4 баравар ва қанд-шакер қийматидан икки баравар арзон қилиб белгилангангани ва бу тафовутни ҳукумат бюджет ҳисобидан қоплашни кўрса-

тади. Бюджетдан ўрта ҳисобда ҳар килограмм қанд-шакер учун 110 сўм, гўшт учун 300 сўм ажратилади.

Хозирги вақтда МДХ республикаларида қанд-шакер ва гўшт чакана нархлари эркин бўлиб, бизнинг республикамизда дегидан анча юқори эканини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг 1993 йил 5 февраль учун куйидаги маълумотлари шундан делолат беради:

	Қанд-шакер	Гўшт
Олмаота	240	341
Бишкек	160	257
Киев	204	524
Москва	214	535
Санкт-Петербург	175	277
Тошкент	100	150

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР



1967 йил... Байрам арафаси эди ушанда. Одатгадек катта хонага дастурхон тузиди. Шунда қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, хўжалик вазирининг ўринбосари...

бий ходим, яхши фельетончи эди. Л. Воробейчиков расоом, суратларни соловчи, Маъруф Назаров — қишлоқ хўжалик бўлимида адабий ходим, муҳаррир қузурида махсус мухбир ҳисобланарди. Аҳмад Шорахматов бўлса, шу бўлимида адабий ходим ва стенографин, иккинчи қаторда бўлса Хотам Икромов хатлар бўлимида ишларди, Аҳмад Исмоилов, асли «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган, кейин «Тошкент ҳақиқати» газетасига мух...

қалб журналистларини санаб чиқдим, ҳолос. Уларнинг қандай ишлаганлари, хизматлари ҳусусида ёзиб ўтирмадим. Мақтаса арзигulik, жонқуяр журналистлар эдилар. Биз уларни ҳаминча яхшилик билан ёд этамиз, қадрлаймиз. Ҳа, дўстлар, ҳаёт ана шундай, ўткинчи. Олами ҳам, одами ҳам сақлайлик, қадрлайлик. Мақсуд ҚОРИЕВ.

ГАЗЕТА ТАҲЛАМЛАРИНИ БАРАҚЛАГАНДА

ОМРИҚОДА БИЗНИНГ КОНЦЕРТИМИЗ

Омриқонинг Ниюруқ шаҳри ёнидаги симсиз телеграф станчасининг бошлиғи Ленинград симсиз телеграф станчасига хат юбориб, Ленинградда симсиз телеграф билан берилган концертларнинг Ниюруққа жуда яхши эшитилганини маълум қилди. Шу билан бирга нарсерт бериб уларни хурсанд қилганлиги учун ташаккур билдирди.

«Қизил Ўзбекистон», 1924 йил, 28 декабрь»

ЎЗБЕК КОЛЕНДАРИ

Ўрта Осмон Давлат наشريети харажати билан 8 кўча (тободил) 1925 йил учун тузилган Ўзбек коллендари босиб чиқарилади.

Бу устол коллендари ўзбек тилида биринчи марта босилди. Коллендар турли бобларга бўлиниб, фан бўлимида ҳикмат, кимё, илм, ҳайат биология, ер ҳам жуғрофиядан қисқача маълумот берилган.

«Қизил Ўзбекистон», 1924 йил, 31 декабрь»

СОМОНДАН ИШЛАНГАН СОАТ

Германиянинг Мунхен шаҳрида яқин бўлиб ўтган кўргазмада бир аjoyиб соат бор эди.

Бу соат фақат сомондангина ишланган бўлиб, уни ишлашда темир ва ҳатто елим ҳам истеъмол қилинмаган.

Соат ишланганига 17 йил тўлиб деганда кўргазмага келтирилган. Маъқул 17 йил ичида ҳеч бўзиммоғон. Соатнинг оғирлиги 200 грамм (ярим қадочча) бўлиб, узунлиги 170 сантиметр, кенлиги 64 сантиметр.

«Қизил Ўзбекистон», 1925 йил, 22 апрель»

Нашрга тайёрловчи: А. АЛИЕВ.



Бағдоддан кейин Озарбайжонга юриш қилишга жазм қилдим ва ўша ерда бир қанча вақт туриб қолдим. Шу аснода қайсар Ҳалаб, Ҳум ва Дийрбакр вилоятларига лашкарий фавжларини юборгани ва мендан қочиб қайсар паноҳига кирган Қора Юсуф туркман эса қароқчилар бошлиғига айланиб, айниқса икки муқаллас шаҳар зийратига катновчиларнинг карвонларига кўп зарар қилтираётганлиги хабари қулоққа эшитилди. Бунинг устига ўша тарафлардан бир жамоат кишилар келиб, улар ҳам Қора Юсуфнинг жабр-зулмидан арз қилдилар. Шунинг учун Қора Юсуфнинг жазосини бериб, қайсарнинг қўлини гафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар тўплаб, Қайсарнинг устига ёпирилиб боришга қарор қилдим. Лашкар жамъ бўлгандан кейин ҳижрий 804 йилнинг ражаб ойида (милодий 1401 йил февралда) Озарбайжондан қайсар устига лашкар тортдим. Узимдан илгари лашкаримдан бир неча фавжини Рум мамлакати устига тўсатдан босқин қилишга тайин қилдим. Яна бир неча фавжга эса йўлимиздаги тўхташ манзилларини кўздан кечириб емиш ва ичмишни ҳозирлаб туришни буюрдим. Ҳазим Ангурия йўли билан қайсар устига лашкар тортдим. Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиеда аскар билан менга қарши юзланди. Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарбошиларимдан бири қўлга тушириб, ҳузуримга келтирдим. Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим.

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Мамлакатларни фатҳ этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, Тангри талоо даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш

1 Икки муқаддас шаҳар — Мекка ва Медина шаҳарлари. 2 Бу воқеа 1402 йил 25 июлда бўлган. 3 Тамурнинг 1399—1404 йиллардаги муҳорабалари «етти йиллик юриш» деб аталган, Самарқандга 1404 йилнинг июль-август ойларида қайтган.

45.

ишларини бир неча тузукка бoғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-таловлар билан, тангрининг инояти ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толъен баланд миллатнинг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар.

Бу тузуқлардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етдиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забот этгувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга широк қилиб олиб, салтанат мартабасига эришим. Шу ўн икки нарсани ерданда мамлакатларни забот этиб, салтанатимни бошқариб ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлан менинг биринчи тузумим — Тангри тоалонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шаринатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулки, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забот этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси шулдирки, маслаҳат, кенгаш, тadbиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик-эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини мурсою мадор, муруват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан мурсою мадора қилдим.

Тўртинчиси — давлат ишларини салтанат қонун-қондаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортинга даъвогарлик қила олмади.

1 Тузук, тузуқот, тўра ва тузуқ — қонун-қонда, қонунлар, урф-одат. 2 Саҳобалар (аҳоблар) — Муҳаммад пайғамбарнинг яқин саҳоболари.

46.

• Халқ анъаналари

КЎПКАРИ

Пастдарғомдаги Бухори қишлоғида у кишини Уткир полов дейишади. 53 ёшли У. Пўлатов аслда олий маълумотли жисмоний тарбиячи. Кейинчалик тақдир тақозосига кўра Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳини сиртдан битирди ва ҳозир шу масканда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

— Халқимизнинг аjoyиб анъанаси кўз ўнгимизда йўқлиб бораётганлиги менга жуда алам қилади, — дейди у. — Илгари бизда кўпкари чопишин орзу қилмаган йигитнинг ўзи бўлмаган. Нега бизга ўзбеклар нимжон келади, ҳарбий хизматни эришмайдилар, деб таъна қилишди? Кўпкарига ўхшаш спорт ўйинларимиз йўқлиб кетганлиги учун эмасми?

Домланинг қўнганча бор. От дегани қўнларда ҳам камайиб қолди-да! Ҳўлаб-ўйлаб, 1984 йилда Уткир ака уйига тоғча олиб келди. Бутун қишлоқ ҳавас қилди. Аста-секин боқалар ҳам қўшилди. Умар Эргашевнинг Жийрон қашқаси, Вахтинг Очлоновнинг Кичик тўрига, Уткир аканинг «Васка»си каби теъза эл оғинага тушиди. Гапдан-гап чичиб беш-олти чавандоз ўзаро маслаҳат қилиб, «Кўпкари» уюшмаси тузишга қарор қилдилар. Бу иш У. Пўлатовга юкланди.

Шундай қилиб, республикада биринчи бўлиб шахсий от эгаларининг «Кўпкари» уюшмаси юзага келди. — Мен вилоят ҳоқимиятига бизга беқор ётган жойлардан ер беришларини сўраб чиқдим, — дейди ушма раиси Собир Туркинов ҳарбий округининг Пастдарғомдаги ёрмачи хўжалиғига, қўшни Нуробод районига бундай жойлар мавжуд. Биз кучимиз билан ем-хашак базаси яратамиз. Отларни кўпайтирамиз. Миллий от спортини ривожлантирамиз. Фақат бугина эмас, хўжаликларини яхши хизматкор от билан таъминлаймиш. Лекин ер масаласи ҳалигача ҳал қилинмаётир.

Эҳе, халқимизнинг меҳри нечоғлик кучли бўлган отларга! Чамбил, Гиркун, Қора Саман, Оқёл Саман, Дулдўл, Бойчибор, Тўриқ, Жийрон... Буларнинг барчаси эртақларнинг, дostonларнинг энг сеvimли қаҳрамонлари ҳисобланган. Отига қараб меҳмоннинг даррадаги ўрни белгиланган.

Отларнинг ҳам қалби бўларкан... Эртақларда бунга мисоллар кўп. Эътибор берганимиз, кўпкарида от улоқини оёғи билан босмайди, оёғи осида ётган бўлса, одами тенгилмайди. Илгилан отларни ўз кўзим билан кўргаман. Бундай пайта Тумарис ва Ойбар...

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲЎКИСИЗ:

- Йўлдош Муқимов: «Минг маржондан бир маржон». ○ Жуманиёз Жабборов ижодхонасида. ○ Жаҳон чарм қўлқоп усталари Тошкентга келишади.



чинлар ўзлари минган Гиркунлар билан дилдан суҳбат кура олганликларига чин дилдан ишонаман... Уткир ака ҳам жониворнинг юрагини яхши тушунади. — «Васка» лақабли отим бор эди. Кейинчалик яна битта той олиб келдим. Урагиш учун тоғга кўпроқ эътибор берардим: нўхта, эгар-жабдуғини тез-тез солиб-солиб туриш зарур Шунда «Васка»нинг хомуш тортиб қолганини сезгаман. Менинг келатганимни бир-икки қадримдан биларди. Чавандоз учун тулпордан бовдур айрилшдан ҳам ортқ изтироб борми?! Утган йили қишда кўпкарида «Васка»ни электор токи урди. Тасодиф Уткир акани довлдиратиб қўйди. Айниқса, кўзалари жовдираб эгаси билан хайрлашаётган отнинг ҳолатини у киши ҳеч унута олмайди. Уша очшом уйга келиб бутун вужуди блан йиғлаган эди. Ахирри бўлмагач, уйнинг деворига «Васка»нинг сурати чиздириди... Тулпорга ҳам, чавандозга ҳам ҳурмат, эътибор зарур. — Бир амаллаб чавандозларимизнинг бошини қўшиб, вилоят терма командасини туздиқ ва Тошкентдаги мусобақада иккинчи ўринни олиб келдик. Бироқ шундан кейин бизни вилоят раҳбарларидан ҳеч ким йўқламади. Илгари бундай муваффақиятлар учун катта идораларда қабуллар ўтказилар эди... Ваҳодани, Муҳаммади Мухторов, Алиқул Мустафоев, Фахриддин Эргашев, Уктам Облоқулов, Раббим Қўнишев каби чавандозларни Тошкент отчопарида минглаб кишилар олқишладилар... Кўпкари мардларга аталган. У оламон пойга ва улоқ тортишдан иборат. Улоқни эса баъзан ўртага ташлашда, баъзан маълум ерга қўйиб, уни биринчи бўлиб манзилга олиб келиш керак. Улоқни ўртадан олчиқчи, маррага келиргач, кишиба турган отнинг, вужуди қайнаб турган чавандознинг кўнглидан нималар келишини биласизми? Эҳ, қандай завқли лавза бу голиблик! — Улоқни олқилиш чавандоз уйда байрамга айланади, — дейди Уткир ака. — Уша кунни улфатларига у зифат беради. Баъзан улоқни хонталаш ҳам қилишади. Биласизми, кўпкарига қўйилган улоқ гушти қўнеғайи энг хуштаём ва қўнеғайи қилган киши ўзини енгил ҳис қилади, қони жушади. Уткир Пўлатовнинг ниятлари кўп. — Агар ер беришса, қорабайрларни кўпайтиралик, Отчопар қўриб, чет элликларга миллий от спорт мусобақалари уюштирамиз, — дейди у.

Фармон ТОШЕВ.

ХАРЧИНОМА

B&B International Ltd USA

Бепул лотореяларни мунтазам ўтказишда, уларда сиз SONY телевизорни ёки PANASONIC видеомагнитофони ютишингиз мумкин. Бунинг учун Сиз қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган бор-йўғи уч саволга:

- 1. Сизга шайлар бeрiлaди бeр, йeғe 2. Сизга видеомагнитофон бeрiлaди бeр, йeғe 3. Сизга икки вақтга видеомагнитофон бeрiлaди бeр, йeғe

жавоб бeришингиз ва бу жавобларни 15 мартгача бизнинг манзилимизга жўнатишингиз лозим. Сизларга кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзгор электроникасининг кенг турлари ҳавола этилади. Биз Сизларга океан ортидаги шериклар билан манфаатли алоқаларни ўрнатишда ёрдам бeраимиз. Биз доимо Сизнинг хизматингиздамыз. Бизнинг манзил: B & B International Ltd, P.O. Box 265, FLORHAM PARK, NJ 07932, USA. Tel. 201-7650189. Fax 201-99665340.

ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, энергетика ва электротехника сановати ҳодимлари насаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси Андижон электр тармоқлари директори Хосил АЗИМОВНИНГ вафот этганлиги чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндошлари ҳамда дўстларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва алоқа ҳодимлари насаба уюшмаси марказий қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ҳодимлари насаба уюшмаси қўмитасининг раиси Р.Собуровага онаси Соғина ҲАСАНОВАНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғларига ҳамдардлин нэхор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14. Иجتимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16. Вилоят муҳбирлари — 33-12-16; 32-57-20. Хатлар, ахборот ва спорт — 33-34-69; 32-53-97. «Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Эълон ва билдирүүлەر — 32-54-14. Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35. Қабулхона — 33-55-15. МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-34-86; Қаршида — 3-25-70; Навбатчи муҳаррир: Ҳ. ЭРМАТОВ. Нукусда — 2-42-62; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01.

Бирорта ҳам хат редакцияга эътиборидан четда қолмайди. Эълолар кечитирмай чоп этишга кафолат бeрiлaди. Кўлeзмалар ҳажми чeғараланмайди. Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозини қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А-2 форматда босилади. Тиражи — 165076 нусха. Босишга топшириш вақти — 21.00, топширишда — 21.00. Г-07 № 26. 1 2 3 4 5 6.